



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 14 (14.065)

Баҳоси эркин нарҳда

## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 январь куни Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ташкил этиш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.**

Кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланди. Бу борадаги қонунчилик янгиланиб, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланди. Қўнғунга етган Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард доллар ёки 3,7 баробар ўсди.

Давлатимиз раҳбари куни кеча Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодий юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилиши, жорий йилда ўзлаштирилган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этди.

Хусусан, 2020 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 5,8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш белгиланган. Шу мақсадда март ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилиши режалаштирилган. Форумнинг асосий мақсади иқтисодиёт драйверлари ҳисобланган энергетика, машинасозлик, электротехника, ахборот технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати, қурилиш соҳалари ҳамда ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришдир.

Йиғилишда ушбу анжумани юқори савияда ташкил этиш борасида аниқ ташкилий вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари билан бирга хорижий инвесторларга тақдир этилган иштироки лойиҳалар бўйича тақдир материаллари тайёрлаш вазифаси қўйилди. Ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий инвесторлар ўртасида бевоқиф ҳамкорлик ўрнатилган алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Ташқи ишлар вазирлигига етакчи хорижий компаниялар, халқаро молия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари форумга жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Анжуман ўтказилганда жойларни юқори савияда тайёрлаш, уни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш ва ёритиб бориш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мутасаддилар форумга тайёргарлик ишлари ва эришилиши мўлжалланаётган келишувлар ҳақида ҳисобот берди.

ЎЗА

## ТИББИЁТ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасини ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Сўнги йилларда тиббиёт соҳасининг бирламчи, тез тиббий ва ихтисослашган ёрдам бўғинларида муҳим ислохотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги Фармонида мувофиқ, 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Касалликни профилактика қилиш учун врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ходимлари уйма-уй юриб, аҳолини патронаж билан қамраб олиш, ҳудудий шифохоналар билан маълумот алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилиши зарурлиги қайд этилди. Бунда тиббий маданиятни ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда тиббиёт тизимини илғор хорижий стандартлар асосида ташкил этиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

16 та ихтисослашган марказ касалликлар кўрсаткичини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг олдини олиш чораларини кўриши, ўз фаолиятини ҳудудларда ташкил этиб, бирламчи тизим билан ҳамкорликда ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу марказларни янада ривожлантириш учун хусусий ва хорижий инвестициялар йўналтириш муҳимлиги қайд этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизмати янада яхшилаш, туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўригини тизимли ташкил этиш, касалликка чалинганларни соғломлаштириш бўйича аниқ иш режа ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу ўринда Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам хизмати қақриқларни автоматик қабул қилиш ва иккери эшик бўйича тўлиқ рақамлаштирилган ҳамда 150 та махсус "Форд" автомобиллари билан таъминланганини қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари ушбу тизимни 2020–2021 йилларда юртимизнинг барча ҳудудларига босқичма-босқич татбиқ этиш, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Инвестиция дастурига мувофиқ, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун жорий йилда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳада кадрлар таъминоти, малакаси ва салоҳияти танқид қилинди. Ҳозирда соғлиқни сақлаш тизимида 75 минг нафар врач фаолият юритмоқда. 2 минг 900 та умумамалиёт шифокори, 10 мингга тор мутахассис етишмайди. Илмий изланиш натижаларини ҳаётга жорий этиш 5 фоиздан ҳам ошмайди.

Президентимиз мутахассисларни давлат буюртмаси асосида манзилли тайёрлаш, мақсадли квоталарни туман, қишлоқ ва иш жойи кўрсатилган ҳолда шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиётда илм-фани ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, 2020 йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир неча устувор йўналишини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратиб берилди. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тўдан қайта кўриб чиқилди.

Йиғилишда мутасаддиларга шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, тўб ислохотларни мақсадли таъминдан бошлаб илмий-тадқиқот муассасаларига қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари фаннинг белгиланган соҳаларига ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

**Пойтахтимизнинг Сергели тумани Софдил маҳалласида "Kinder garden" номли замонавий мактабга таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.**

## ЯНГИ БОҒЧАДА РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИ МУКАММАЛ ЎРГАТИЛАДИ

Мамлакатимизда мактабга таълим тизими алоҳида эътибор қаратилаётган. Мактабга таълим муассасаларининг сони йилдан йилга ошиб бораётгани ҳам бунинг ёркин далилидир.

Куни кеча Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам болаларни мактабга таълимга қамраб олиш даражасини ошириш, бу борада давлат-хусусий шериклик асосида янги боғчаларни қуриш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, мактабга таълимни ривожлантириш борасида бошланғич таълим муассасаларида ўтган йили 5 минг 722 давлат, хусусий, оилавий болалар боғчаси ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан фарзандларимизни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди. 2020 йилда бу кўрсаткичи 60 фоизга етказиш бўйича топшириқ берилди.

Ҳозирги вақтда республикада 9 минг 800 га яқин МТТ фаолият олиб бормоқда. 2030 йилга қадар болаларни мактабга таълим билан қамраб олишни 80,8 фоизга етказиш кўзда тутилган. Давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган мазкур мактабга таълим ташкилотининг

очилиш маросимида шулар ҳақида сўз борди. Унда Сергели тумани ҳокими, кенг жамаотчилиги ва маҳаллий аҳоли вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Мамлакатимизда мактабга таълим тизими алоҳида эътибор қаратилаётган, – дейди боғча мудираси Дилором Абдувоҳидова. – Президентимиз ҳар бир нуктада мактабга, мактаб ёшидаги болаларга эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳам маънан, руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун муносиб шароит яратиш зарурлигига алоҳида тўхталади.

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасини тинглаб, бунга ана бир бор амин бўлдик. Бугун маҳалламизда янги мактабга таълим ташкилоти очилди. Маҳалла аҳли, ота-оналар, айниқса, болаларнинг орақиб кутган кўзи бўлди. Боғчамиз 175 ўринга мўлжалланган бўлиб, 7 гуруҳдан иборат бўлади. 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни қамраб олиш белгиланган. Боғчамизда меъёрлаштирилган беш маҳал иссиқ овқат берилади. Маҳоратли педагоглар томонидан болаларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб улғайиши учун турли фан ва спорт тўғрисидаги, мантиқ, ментал арифметика каби қизиқ



қарли машғуллар йўлга қўйилади. Шу билан бирга, рус тили ва инглиз тили ўргатилади.

Боғча қурилишида стандарт лойиҳалардан воз кечилган ҳолда ноодатий дизайн ва замонавий ечимлардан фойдаланилган. Янги МТТ мебель, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар билан жиҳозланган. Боғчада йил давомида ишлаб турган ёпиқ турдаги сув ҳавзаси мавжуд. Бу ерда болаларни чинқиртириш билан бирга уларга сузиш машғуллари ўтилди. Шунингдек, боғча ҳовлисида ёзги болалар майдончалари ҳамда футбол майдончаси барпо этилган. Майдончалар зарур жиҳозлар билан таъминланган.

– Илгари биз истиқомат қиладиган ҳудудга

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



яқин боғча бўлмагани сабабли болаларимизни узокроқ мактабга таълим ташкилотига олиб борадик, – дейди Шерзод Умаров. – Бугун бу ерда болаларга яратилган шароитларни кўриб хурсанд бўлдик. Давлатимиз раҳбарининг бешта муҳим ташаббусини амалга ошириш доирасида соғломлаштириш ва бадий машғулларга алоҳида эътибор қаратилаётган. Жўмладан, анъанавий мусика ва рақсан ташқари, болалар спорт билан шуғулланиши, ўйин шаклида чет тилларни ўрганиши ҳамда бошқа ривожлантирувчи тўғрақ ва секцияларга қатнашиши мумкин.

Нурилло НАСРИЕВ

**XXI саҳоси**  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистонда Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди иш бошлади.** Янги фонд миллий масс-медия ҳамжамиятининг ўзини ўзи бошқариш механизмларини ишлаб чиқишга қўмаклашишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Сизларга мамнуният билан маълум қилмоқчимизки, Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-

ги томонидан нодавлат нотижорат ташкилот сифатида рўйхатга олинди ҳамда расман ўз иш фаолиятини бошлади.

● **Хоразм вилояти ҳокимлигида одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича республика кичик комиссияси ишчи гуруҳи аъзолари томонидан йиғилиш ўтказилди.** Унда Хоразм вилояти ҳамда барча шаҳар ва туманларнинг Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияси ишчи гуруҳи аъзолари ҳамда туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.

● **Наманган вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Чортоқ туманининг Қирғизiston билан чегарадош ҳудудига жойлашган Созсой қишлоғида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни кенг тарғиб қилишга бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

## ЖАҲОНДА

● **U.S. News & World Report** экспертлари дунёда энг оммабоп 35 та парҳезни баҳолади. Мазкур рейтингда Ўрта ер денгизи парҳези 2020 йилда энг яхшиси деб топилди. Рўйхатда иккинчи ўринни туз, шакар ва ёғ кўп бўлган маҳсулотларни камайитириш ёки улардан тўлиқ воз кечини назарда тутувчи DASH-парҳез эгаллади. Учинчи ўрин мослашувчан вегетариан парҳезига насиб қилди. Мазкур парҳез гўштдан воз кечишга чакирди, бироқ истиснолар ҳам бор – жуда ис-талган тақдирда уни истеъмол қилиш мумкин.

● **Янги типдаги коронавирус билан қақриқувчи зотилжам пайдо бўлиши ўчоги ҳисобланган Ухань шаҳри аҳолисига 23 январдан шаҳарни алоҳида заруратсиз тарқ этиш тақкидланди.** Таъкидланишича, шаҳарда автобус, метро, шаҳарларга поездлар қатнови ва самолётлар парвози тўхтатилган.

## Муносабат

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мамлакатимиз янги тарихидаги муҳим воқеа бўлди.** Давлатимиз раҳбари ушбу дастурий маърузасида маънавиятга, тарбияга ва илм олишга алоҳида ўрн берди. Шунингдек, олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турганини айтиб, барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўрганасан, ишимизни мукамал ва унумли бажарасан, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интиласан, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради, деб таъкидлади.

## ТАРИХИЙ МУРОЖААТНОМАНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИШИМИЗ КЕРАК!

Илмга, билим олишга интилиш ва бирлашиш, Ватанини севиш, маърифат ва тарбия масаласи Мурожаатноманинг асосий ташкил этди. Президентимиз 2020 йилни мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилар экан, илм аҳли олдида қанча вазифаларни қўйди.

Инновацион ривожланиш вазири илм-фаннинг барча йўналишини қамраб олган. Илм билан шуғулланувчи олимлар ва тадқиқотчиларга шароит яратиб бериш вазириликнинг фаолиятининг муҳим йўналишидир.

Президентимиз Мурожаатномада учта устувор йўналишни белгилаб берди. Булар математика, кимё-биология, геология фанларидир. Нима учун айнан шу йўналишлар? Сабаби бу соҳаларда илмий мактабларимиз бўлган, улардан дунёга таъинланган олимлар етишиб чиққан. Ушбу мактаблар йўқолиб бораётгани сабабли Президентимиз бу мактабларни тиклаймиз, уларни ривожлантирамиз, деди.

Аслида, айнан қайси йўналишларга кўпроқ эътибор қаратилиши керак, қайси соҳаларни ривожлантиришимиз керак деган масаланинг ўзи қийин. Ахир илм-фаннинг турли йўналишларида фаолият юритаётган олимларимиз бор. Шундай бўлишига қарамай, илк бор давлатимиз раҳбари шу уч йўналишда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга шарт-шароит яратиб берилишини таъкидлади.

Нима учун математика? Чунки математика рақамли иқтисодиётнинг асоси. Рақамли технологиялар эса барча соҳаларнинг ривожини учун керак. Тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги, ҳатто геология соҳасида сунъий йўлдош орқали қазилма бойликларни аниқлашда, мудофаса соҳасида, маданий меросимизни ўрганишда ҳам рақамли технологиялар зарур. Дейлик, кадимки қўлэмалар рақамлаштирилган кейингина уларни олимлар ўрганиши ва кенг оммага тақдим этиш имкони пайдо бўлади. Акс ҳолда асрлар давомида сақланиб келган қўлэмалардан айрилиб қолишимиз турган гап. Ҳар қандай ахборотни сифатли ва тезкор етказиб беришнинг асосида рақамли технологиялар ётади.

Шунингдек, инновацияларнинг юраги ҳам рақамли технологиялардир. Бундан ташқари, айнан рақамли иқтисодиёт шифофлик ва ошораликни таъминлайди, коррупциянинг олдини олади. Президентимиз Мурожаатномасида "ҳалоллик вакцинаси" деган иборани қўлади. Назаримда, айнан рақамли технологиялар, сунъий интеллект айни даврда "ҳалоллик вакцинаси" бўлиб хизмат қилади. Жорий йил рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилишининг ўзи коррупцияга, эринчоқликка, лоқайдликка, бордингчи, хонликка қарши "вакцина" бўлишига умид қиламан. Яна илм, маърифатнинг ўзи ҳам табиий "ҳалоллик вакцинаси"дир, негаки билимди одам ҳаромга аралашмайди.

Шу ўринда илм, маърифат, рақамли технологияларни ривожлантиришга эътибор бир кунда шаклланишини таъкидламоқчиман. Бу жараёнда давлатимиз уч йил тайёргарлик кўрди. Шу пайтгача юртимиз фарзандларини учун ахборот технологиялари, математика, физика, астрономия, биология соҳаларида чуқурлаштириб ўқитилган иқтисослаштирилган мактаблар, иқтидорли ўқувчилар учун Президент мактаблари ташкил этилди, илм-фанга эътибор кучайтирилди. Фан докторлари, номзодлари, университет ўқитувчиларининг маошлари оширилди. Уларнинг илм-фан билан шуғулланиши учун шароит яратилиб, илмий лойиҳалар учун ажратилган грант маблағлари бир неча баравар ортди.

Илмий лабораториялар замонавий ускуналар билан таъминланмоқда, ёш олимлар хорижда стажировка ўтаб келмоқда. 2020 йилдаги вазифаларимиздан бири илм-фани молиялаштиришни 0,2 фоиздан 0,8 фоизга кўтарди. Бунда биз нафақат бюджет маблағлари, балки хорижий ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари, хусусий сектор маблағларидан фойдаланишни режалаштирганмиз. Шунингдек, жорий йилда ҳудудларда илм-фани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Энди пойтахтдан ташқарида фаолият юритаётган олимлар учун ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, бажарилади.

Бугун Ўзбекистонда 3Г лабораториялар фаолият юритмоқда. 2020 йили 5Г миллий лабораторияларини ташкил этамиз. Бу лабораториялар пойтахтда эмас, юртимизнинг турли шаҳарларида барпо этилади. Юртимизда илм-фаннинг янги йўналишларини ривожлантириш борасида ишлар давом эттирилади. Бундан ташқари, илмий тадқиқот институтлари ва марказларининг халқаро аудити ўтказилади.

Буларнинг бари Президентимиз олдимизга қўйган вазифаларнинг бир қисми ҳолос. Олдимизда "Инновацион фаолият" ва "Стартаплар" тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Мурожаатномадаги ишларни бажаришимиз учун олимлар, тадқиқотчилар, ихтирочилар, стартапчилар, инновацион тадбиркорлик билан шуғулланишга бел боғлаган бизнес вакиллари билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш ҳам жуда муҳим. Уйлайманки, 2020 йилда илм-маърифатга, рақамли технологияларни ривожлантиришга қаратиладиган эътибор юртимизда инновацияларнинг қўпайишига, олимлар, стартапчиларимизнинг янги-янги марраларни эгаллашда мустаҳкам пойдевор бўлади. Шундай экан, тарихий Мурожаатномада белги-ланган вазифаларни амалга ошириш учун бир ёқадан бош чиқаришимиз керак.

**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
инновацион ривожланиш вазири.  
ЎЗА

Муносабат

НУРОНИЙЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ЯХЛИТ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Президентимиз янги парламентга йўллаган Мурожаатномасида барча соҳалар қатори аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, пенсия ва нафақалар билан таъминлашга ҳам алоҳида тўхталиб ўтгани бежиз эмас. Хусусан, ишлаётган пензионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий этилгани, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд аҳоли учун нафақа миқдори 2 баробар кўпайтирилгани ҳам бўнинг амалий исботидир.

Асосийси, "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб борилаётган кенг қўлмали ижтимоий ислохотлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Мазкур Мурожаатномада 2020 йил аҳолининг ижтимоий таъминоти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар ҳам белгилаб берилди. Жумладан, йил давомида пенсия ва нафақалар миқдори инфляциядан юқори миқдорда оширилади.

Жамиятда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар қаторида кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яра-

тиш борасидаги тақлиф бизни жуда қувонтирди. Энди улар учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам қайта қўриб чиқилади. Бу борада қонуний асос яратилади. Жумладан, Президентимизнинг ноғиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун тоvon пули каби тўловларни қайта қўриб чиқиб, "Ижтимоий сўғурта тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш борасида янги парламентга берган тавсияси бунга ёрқин мисолдир.

Бугун мамлакатимизда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириб бориш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу саноат-ҳаракатларнинг давоми сифатида 2020 йил 1 февралдан пенсия ва нафақаларнинг миқдори 1,07 бараварга оширилиши натижасида 3,6 миллион нафардан ортиқ пенсия ва нафақа олувчининг моддий таъминоти янада яхшиланади. Оширилган пенсия ва нафақаларни молиялаштириш мақсадида давлат бюджетидан ҳар ойда қўшимча 20 миллиард сўм, Пенсия жамғармасидан 173 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилади.

Жорий йил 1 февралдан бошлаб мамлакатимизда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ойига 679 минг 330 сўм, пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори 238 минг 610 сўм, энг кам ёшга доир пенсиялар 466 минг 680 сўм, болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа 466 минг 680 сўм қилиб белгиланди. Шунингдек, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 286 390 сўмга етди.

Бу йилги Мурожаатнома уни тинглаган барча ҳамюртларимизнинг қалбидан, юрагидан жой эгаллади, десам адашмайман. Сабаби унда халқимиз манфаатлари тўлиқ баён этилган.

Нуриддин ШАДИХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқарма бошлиғи

Янгиланаётган Ўзбекистонда барча соҳаларда кенг қўлмали ва чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада 2019 йилда миллий иқтисодий тизимнинг ўсиши 5,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга ортди. Агар ўтган йилги жаҳон иқтисодий тизимнинг ўсиши 3,2 фоизни ташкил этганлиги инобатга олинса, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – "Экономист" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – "Йил мамлақати" деб эътироф этганлиги бежиз эмаслиги ойдинлашади.

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатномасида бошланган ислохотларнинг амалий натижаларини янада ошириш, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш бориш мақсадида 2020 йилни "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилди. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари "...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб тайёргина, билганимиз ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур" деб алоҳида уқтирди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ана шу шундай янги авлодни тарбиялаш, уларга энг замонавий билим бериш, жаҳон андозалари даражасида малакага эга бўлишларини таъминлаш учун кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда. 2019 йилнинг ўзига 5722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. Натижада болаларни мактабга таълим билан қамраб олиш даражаси 52 фоизга етди.

Ўтган йили мулқола янгича мазмун ва шаклдаги тўртта Президент ва учта Ижод мактаби ёш бошлади, 19 та янги олий ўқув юрти, шу жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Олий таълим муассасаларига 2016 йилга нисбатан икки баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди. 16 та олий ўқув юртида хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди.

"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да эса мамлакатимиз тарихида илк мартаба 6 ёшли болаларни мактабга ташаббус, мулқола янги профессионал таълим тизимларини жорий қилиш белгиланган. 2020 йилда бюджетдан ажратилган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий

мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.

Кадрлар малакасини халқро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ҳам ишлаб чиқилади. Бунинг учун шу йилнинг ўзига 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

Мақтаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камиди 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказиш режаланган. Олий ўқув юртлирга талабалар қабул қилиш давлат грантларини икки баробар кўпайтирилиши, қизлар учун алоҳида грантлар ажратилиши 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантиришга йўналтирилганлиги даллолатлидир.

Хозирги вақтда жаҳоннинг ривожланган давлатларида янги – "рақамли иқтисодиёт" шакллантирилмоқда ва ривожлантирилмоқда. Хусусан, рақамли иқтисодиётда жаҳоннинг тараққий этган 20 мамлакатиди 2 триллион АҚШ доллари миқдорига самара келтираётганлиги қайд этилган. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда дунёда пешдадам Буюк Британияда эса у хозирнинг ўзига миллий ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 12 фоизини ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам 2020 йил рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда туб бурилиш йили ясаш мўлжалланган. Бунинг учун Мурожаатда кўрсатиб берилгандек, биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳалари тўлиқ рақамлаштирилади.

Тошкент, Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳрларида замонавий инфратузилмага ҳақ бўлган ахборот технологиялари мажмуалари – "IT-парк"лар барпо этилади. Рақамли иқтисодиёт учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда "1 миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш ҳам бошланган.

Тижорат банкларида ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминоти тубдан янгиланади. Аҳолига замонавий банк хизматларини кўрсатиш мақсадида, жумладан "кре-

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси қўшма ййғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва парламент палаталаридаги маърузаларидан келиб чиқувчи асосий вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида барча соҳаларда қўллаб-қувватлашга эришилган ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар, жорий ва келгуси йилларга мўлжалланган устувор йўналишлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсати учун асосий вазифалар баён этилиб, долзарб қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Қўшма ййғилишда партия раҳбари А.Ҳайтов Президентимиз томонидан 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилгани партия зиммасига улкан масъулият юклагани алоҳида қайд этди. Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошланган ишларни жадал давом эттириш ва бу жараёнларни янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва "Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастурини ишлаб чиқиш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ушбу устувор вазифалар партиянинг сайловолди дастурида ҳам акс этган ва партия келгуси беш йиллик фаолияти давомида бу борадаги чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширади.

Иқтисодиётга рақамли технологияларнинг кириб келиши корхоналарга автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш, йирик саноат объектлари самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, фаолият шаффоқлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, рақамли технологиялар Президентимиз энг жиддий муаммо сифатида тилга олган коррупцияга қарши курашда ҳам самарали восита ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашга аҳолининг барча қатламлари, экспертлар, мутахассислар, олимларни жалб қилиш лозим. Партия бу борада "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунни, электрон харидларни такомиллаштириш масалаларини қўриб чиқаяпти. Шу билан бирга, партия коррупцияга қарши кураш бўйича ягона органи ташкил қилиш гоёсини тўла қўллаб-қувватляпти.

Ййғилишда Президентимиз Мурожаатномаси қонун ижодкорлиги ва сиёсий қучининг назорат-таҳлил фаолияти мазмун-моҳияти, асосий йўналишини белгилаб берувчи дастурий ҳужжат экани ҳам таъкидланди.

Хусусан, партия фракцияси ўз сиёсий платформаси ҳамда Президентимиз Мурожаатномасида баён қилинган вазифалардан келиб чиқиб, экспортни ривожлантириш, маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларнинг уч босқичли тизимини оптималлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш имконини берувчи ўзгариш – лицензия бериш тизимини янгилашга қаратилган қонунларни яратиш жараёнига дарҳол киришади.

Партиянинг 2020 йилга мўлжалланган иш режасидан бир қатор вазирликлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегияси, шунингдек, соғлом рақобат, қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга қаратилган "яширин иқтисодиёт"га қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга самарали татбиқ этиш сингари вазифалар ҳам ўрин олган.

Партия ҳар бир депутатни тегишли Халқ қабулхонаси билан доимий равишда ва изчил асосда бирга ишлаши учун унга бириктиришни режалаштирган. Бу эса, бир томондан, партияга аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этиш, бошқа томондан, халқимиз ишончини оқлаган ва унинг ҳурмати-га сазовор бўлган ҳолда, ўзининг сайловолди ваъдаларини бажариш имконини беради.

Ййғилишда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга, айниқса, энг чекка ҳудудларда истикомат қилаётган аёллар, ёш йигит-қизларни тадбиркорликнинг турли йўналишларига жалб қилиш, бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Тадбирда Мурожаатномада билдирилган фикрлардан келиб чиқилган ҳолда партия томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

(ЎЗА)

ДЎСТЛИК ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномасини тинглаб, унда билдирилган фикрлар, тақлифлар, ҳаётбахш гоёларни назаримизда барча ҳамюртларимиз юрагидан ўтказди. Бунда ҳар бир соҳа вакили ўзи учун тегишли ва устувор бўлган вазифаларни белгилаб олгани, шубҳасиз.

Президентимиз томонидан кўтарилган долзарб масалалар қаторида жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш вазифасига ҳам алоҳида урғу берилгани бизнинг Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитамиз зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Мурожаатномада жорий йилда юртимизда 30 июль – Халқаро дўстлик куни муносабати билан "Дўстлик" ҳафталигини ташкил этиш ҳамда ушбу ҳафталик доирасида "Дўстлик" халқаро форум-фестивалини ўтказиш тақлифи илгари сурилди.

Аслида дўстлик деган бир қарашда оддий, аммо турмаъно тушуна ортида инсоннинг энг яхши ахлоқий фазилатлари, одамлар ўртасидаги умумий манфаатлар, ўзаро ҳурмат ва ёрдамга асосланган муносабатлар, инсон ҳаётининг шахсий ҳамдардлик, меҳр-муҳаббат, самимийлик, инсонийлик, ўзгаларга қўмақлашиш, яхшиликка хайрихолик каби маънавий жиҳатлари, эзгу гоёлар мўжассам.

Шунингдек, у тинчликни таъминлаш, маданий хилма-хилликни асраб-авайлаш ва қўллаб-қувватлашда жамиятлар ўртасида кўприк вазифасини бажариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик ва самимий мулоқот, халқлар, мамлакатлар, маданиятлар ва шахслар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, тинчлик саноатларини илҳомлантиришга хизмат қилади.

Хозирги нотинч ва таҳлиқали замонда дунё ҳамжамияти олдида турган, инсоният дуч келаётган мураккаб муаммолар, ҳавф-ҳатарларни биргаликда бартараф этишда, турли таҳдидларнинг олдини олишда барча эзгу ниятли инсонларни, айниқса, қўшни мамлакатлар билан биргаликда, нуфузли халқро ташкилотларнинг саноат-ҳаракатларини бирлаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ушбу глобал масалаларни ҳал этишда дўстлик ҳал қилувчи күч бўлади, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур тақлиф нафақат жамоатчилигимиз, балки хорижий мамлакатлар, керак бўлса, халқро ташкилотларнинг эътиборини тортишига ишонаман. Қолаверса, 30 июль – Халқаро дўстлик куни муносабати билан ўтказилиши тақлиф этилган бу каби тадбирлар хали ҳеч бир мамлакат томонидан илгари сурилган амон янглик, десак адашмаймиз.

Эзуғликнинг қаноти бўлади, дейишади. Бундай хайрли гоёни ҳаётга татбиқ этиш, жаҳон ҳамжамиятини яна бир бор ўйлантиришга, Ўзбекистоннинг дунёдаги ижобий имижини янада оширишга хизмат қилади.

Рустамбек ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси

Бугунги кунда талаба-ёшларни яшаш ва ўқиш шароитларини яхшилаш, дам олишлари, спорт билан шуғулланиш, табиий ва савдо хизмат кўрсатишни яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Уларнинг бўш вақтинини мазмунли ўтказишларини таъминлаш олий таълим тизимига алоқадор барча мутасадди ташкилотларнинг олдида турган энг муҳим вазифадир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналиши бўйича ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган стратегик мақсадлар сифатида эътироф этилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан бир қатор тизимли ишлар ташкил этиб келинмоқда.

Талаба-ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш, шонир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодидан хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар уюмлари билан, уларда санъат ва театрға бўлган эътиборини кўчатириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири билан, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳужумкузарликларнинг олдини олиш, уларни ҳавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш мақсадида прокуратура ҳамда Ички ишлар органларини фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари билан, талабалар ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва турғуларни, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш мақсадида Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамоат фонди билан, ёш истеъдодли санъаткорларнинг ютуқлари ва ижод йўлидаги машаққатлари билан ёшларни таништириш мақсадида Ўзбекистон давлат Консерваторияси билан ҳамкорликда таниқли ва миллий эстрада хонандалари иштирокида ти-

КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА

зимли равишда тадбирлар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий кечалар ташкил этилмоқда. Бу эса ёшларга бўлган эътиборнинг нақадар юксаклигини даллолатидир. 2020 йил мамлакатимиздаги барча ёшларини мазмунли ўзгача руҳда ва юқори кайфиятда ўқишга биз ишонимиз, ҳудуд раҳбарларининг Президентимизга берган ваъдалари амалда ўз исботини топади. Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларига ўз номзодларини қўйиб, энг юқори кўрсаткичларни қўлга киритган бир қатор ёшларимизга депутатлик мақоми, халқ ишончи берилганлиги, ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган ишончини юқорилиги мамлакат ёшларини яна бир бор руҳлантирди. Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Ма-

жлис Сенатига қўрсатилган номзодлар орасида ёшлар ташкилотининг вакиллари борлиги, уларнинг энг ёш Сенаторлар деб эътироф этилиши барчани бирдай қувонтирди. 2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам талаба-ёшларни қўллаб-қувватлашга доир бир қатор ислохотлар амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Хусусан "Олий маълумот оламани, ўз устимда ишлаб, илмни бўламан, деган, юрагиди ўти бор, ўшунинг ёшларимизнинг тахсил олиши учун ҳамма қулайликларини яратишимиз шарт" деган фикрлари барчани қувонтирди. Шунингдек, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камиди 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказиш, олий таълим қамровини ошириш, тўлов контрактга боғлиқ бўлиб қолмаслиги тўғрисидаги фикрлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг руҳлантириди. Айниқса олий ўқув юртлирга талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар оширилиши, олий таълим сифатининг

З.САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етақчилар Кенгаши раиси

## АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2019 йилда пойтахтимизда ёшлар сибсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар йўналишида эришилган ютуқлар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Элбек Шукуров томонидан мазкур йўналишларда амалга оширилган ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси доирасида 200 минг китоб, 340 та тикув машиналари, 100 та қандолат махсулотлари пиширадиган печлар, 170 та компьютер жамламоси, 700 га яқин музика асбоблари, 2700 га яқин спорт анжумани, 622 та гимнастика гилами Тошкент шаҳридаги умумий ўртатаълим мактабларга етказиб берилди.

2019 йилда Тошкент шаҳрида мактабгача таълим соҳасида 18 та давлат болалар боғчалари тўлиқ таъмирдан чиқарилди, Сергели туманида 5 та янги болалар боғчаси ташкил этилди. 65 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти очилди.

Халқ таълими соҳасида 2019 йилда Инвестиция дастури асосида 27 та, "Обод маҳалла" дастури доирасида 14 та мактабда қурилиш таъмирлаш ишлари якунланган. Касб-хунар коллежлари негизда 4 та янги умумтаълим мактаби ташкил этилган бўлса, Сергели туманида 4 та янги умумтаълим мактаблари қурилиши бошланди. Тошкент шаҳрида Президент мактаби, Абдулла Қодирий ижод мактаби, Муҳаммад ал-Хоразмий ахборот технологиялари мактаби ташкил этилган ҳам ўсиб келаётган авлоди янада қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўтган йили соғлиқни сақлаш соҳасида 110 та хусусий клиникалар ташкил этилди, 42 та клиниканинг фаолияти кенгайтирилди, 12 та тиббиёт муассасаси капитал таъмирланди. 11 та марказий кўптармоқли ОПлари 275 000 АҚШ доллари VOLIUM-6 скрининг ультратовуш аппаратлари билан жиҳозланди. Мавжуд барча тез тиббий ёрдам машиналари янги замонавий автомобилларга алмаштирилди ва GPS алоқа воситаси ўрнатилди.

Мадааният соҳасида 2019 йилда 3183 та маданий тадбирлар ўтказилиб, унда 1 млн. 343 минг пойтахт аҳолиси иштирок этди. "Наврўз" маданият ва истироҳат боғи, "Сой бўйи", "Жасорат майдони", "Мовий гўмбаз" сайилгоҳлари, "Tashkent

City" халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудидаги сайилгоҳ фойдаланишга топширилди. "Тошкент сизни севади", "Ёшлар картинг", "Тунги велосайр", "MuzzDay", "Гуллар фестивали" ва "Ландшафт опен" каби маданий тадбирлар бренди яратилди.

Спорт соҳасида 2019 йилда 285 та йирик спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди. 3 та спорт мактаблари капитал таъмирланди. 3 та йирик спорт мажмуалари ишга туширилди. 2020 йилда Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиадада 109 нафар Тошкент шаҳар спортчилари тайёргарлик кўрмоқда. 107 нафар пойтахтлик спортчилар дунё миқёсидаги спорт мусобақаларида турли даражадаги медалларни қўлга киритишди. Шу кунга қадар, 3 нафар спортчи Олимпиада ўйинларида иштирок этиш лицензиясини қўлга киритди.

Ёшлар сибсати соҳасида 2019 йилда "Ёшлар - келажикимиз" давлат дастури бўйича 58 нафар ёш тадбиркорга 40 млрд. 132 млн. сўм кредит ажратилди. 3 та "Ёшлар меҳнат гузари", 5 та "Коворкинг маркази" фойдаланишга топширилди. Сергели туманида 990 нафар ёш оилаларга янги уйлар топширилди.

Туризмни ривожлантириш соҳасида 2019 йилда Тошкент шаҳрида 53 та хостеллар, 55 та оилавий меҳмон уйлари ташкил қилинди. 9 та инфокиосклар, 10 та замонавий пилонлар, 65 та туристик объектларга олиб борувчи 128 та йўл кўрсаткичлар, 20 та маданий мерос объектлари ҳақидаги маълумотларни берувчи QR-кодлар ўрнатилди, 20 та селфи майдончалари фаолияти йўлга қўйилди. 156 та объектларда 1450 та нуқталарда Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилди.

Анжуманда 2020 йилда пойтахтимизда ижтимоий соҳада амалга ошириладиган ишлар ва истиқболдаги вазифалар юзасидан атрофича сўз юритилди.

Тадбир сўнггида журналистлар томонидан берилган саволларга батафсил жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА



## БИЗ ВАТАНИМИЗ ЭРТАСИМИЗ

**Миробод туманидаги 125-мактаб ўқувчилари иштирокида "Биз Ватанимиз эртасимиз" деб номланган тадбир ўтказилди.**

Унда ўқувчилар тинчлик, осойишталик, Ватан ҳимоячилари ҳақида шеърлар, қўшиқлар айтишиб, рақслар ижро этишди. Саҳна кўриниши намойиш қилишди. "Она юртим олтин бешигим", "Юртинг тинч - сен тинч", "Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл" каби мақолларнинг маъносини айтиб ўтишди. Ўқувчиларимизнинг шиори "Эл-юрт шаъни - оримиз, Пок сақлаш ширимиз" бўлиб, Ватанини севиб, асраш, кўркмас, мард, жасур фарзандлар этиб тарбиялаш асосий бурчимиз ҳисобланади.

Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Бу беҳижиз эмас. Олиб бориладиган бу каби ишлар долзарб аҳамиятга эга. Бизга мутлақо ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш ва Ватанимиз тақдирини, фарзандларимизда масъулият туйғусини мустаҳкамлашимиз лозим. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришда бу каби изчил ҳаракатларни давом эттиришимиз даркор. Ана ўшанда порлоқ келажикимиз пойдевори мустаҳкам бўлади.

Марҳамат ИМАДИНОВА

## МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИГА ҲАМ УЙ-ЖОЙ БЕРИЛАДИ

**Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда кўп квартиралар уйлардан 3 минг 462 хонадон ажратилади. Улар уй-жой олиш учун "Labor migration" дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтади.**

"Labor migration" дастурий мажмуасидан рўйхатдан ўтган фуқароларга Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан тавсия берилади. Меҳнат мигрантлари мазкур тавсия асосида вилоят, туман, шаҳар комиссияларига ариза топширади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Анжуманда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги фармони ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижда жўнаб кетаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар шулар жумласидандир.

Таъкидланишича, ҳар йили республика меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ёш кириб келаётган шароитда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган амалий тадбирлар кўрилатганига қарамай, ташқи меҳнат миграциясининг катта оқими ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижда жўнаб кетадиган фуқаролар учун харажатларни тўлашга имтиёзли микроқарз олиш имконияти яратилди, - деди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғи Бахтиёр Турсунов. - Хорижда ишлаш даврида ҳаёт, соғлиқни ҳамда патент ва ишлаш учун рўхсат берувчи бошқа ҳужжатларнинг рад этилиши таваккалчиликларини сўғурталаш бўйича сўғурта полиси тўлови билан боғлиқ харажатларни субсидиялаш амалиётга жорий этилди.

Соҳада яратилаётган имкониятларга қарамай, айрим хусусий бандлик агентликлари орқали хорижда ишга кетаётганлар орасида қутилмаган шароитларга дуч келаётган, алданаётганлар ҳам учрамоқда. Бу каби хусусий бандлик агентликлари фаолияти ваколатли органлар томонидан назоратга олинган бўлиб, тегишли ҳуқуқий ҳулоса берилмоқда. Олинган тезкор маълумотларга қўра, "Human" хусусий бандлик агентлиги раҳбарлари устидан бошланган суд яқин кунларда тугайди ва ўйлашимизки, адолатли ҳукм чиқарилади.

Айни пайда "Human" хусусий бандлик агентлигидан жабр кўрганлар билан учрашувлар ташкил этилиб, ҳар бир фуқаронинг ҳолати алоҳида-ало-

ҳида ўрганилиб, уларни касбга ўргатиш, иш билан банд қилиш, тадбиркорликка жалб этиш ва бошқа хусусий бандлик агентликлари орқали хорижда ишга йўналтириш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Хусусан, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги кўмағида бошқа хусусий бандлик агентликлари орқали айнан "Human" хусусий бандлик агентлигидан жабр кўрганларнинг 35 нафари Болгарияга ишга жўнатилди.

Бугунги кунда жами 98 та хусусий бандлик агентлиги бор. Шундан 59 таси фуқароларни хорижда ишга жойловчилардир.

Анжуманда маълум қилинишича, Ўзбекистон ташқи меҳнат мигрантларининг 80 фоизи Россия, 15 фоизи Қозоғистон ва қолган 5 фоизи бошқа давлатлар меҳнат бозорларида фаолият юритмоқда. Россияга ноқонуний бораётган фуқароларимиз сони кўпчиликини ташкил этади. Россияда патент нархи баланглиги, меҳнат мигрантлари имтихон топшириши кераклиги, рус тилини билиш даражаси ва ҳуқуқий кўникмалари пастлиги сабаб фуқароларнинг аксарияти ноқонуний мигрантга айланмоқда.

Меҳнат мигрантларига муносиб шароитлар яратиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳам мамлакат ичидан, ҳам чет давлатда ҳимоя қилиш учун ваколатли хорижий ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш талаб этилади. Ана шу мақсадда агентлик тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий давлатларнинг ташқи меҳнат бозоридagi эҳтиёжларини доимий ўрганиб боради.

Бугунги кунда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россия, Польша, Туркия, Латвия, БАА, Болгария, Қозоғистон, Кувайт давлатларида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган тартибда меҳнат фаолияти билан таъминлаш билан шуғулланувчи 60 иш берувчи ва бандлик агентликлари билан аниқ келишувлари мавжуд. Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан Россия Федерацияси, Туркия, Болгария, Латвия, Литва, БАА, Польша, Япония, Беларусь, Эстония, Хорватия, Қозоғистон, Украина, Чехия, Буюк Британия, Португалия, Греция, Германия, Исроил, Қатар, Уммон, АҚШ давлатларидаги 170 дан ортиқ иш берувчилар билан ишга жойлаштириш юзасидан келишувларга эришилган.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг чет элданги ваколатхоналари томонидан 2019 йилда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг 20 минг 934 нафарига маслаҳат хизмати ва 830 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Меҳнат мигрантларининг жами 578 минг 564 АҚШ доллари ҳажмидаги иш ҳақлари хорижий иш берувчилардан ундириб берилган. Хорижда турли сабаблар билан қийин аҳволга тушиб қолган 3 минг 323 нафар меҳнат мигранти Ватанимизга қайтарилган.

Хуриш КОДИРОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ

## Реклама ва эълонлар

"Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Сергели 8А, 10-уй, 29-хонадон учун Пардаев Эркин Ярашович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2008 йилда Камбарова Мухайё Насировна номига берилган М № 029392 рақамли магистр диплом йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежи томонидан 2014 йилда Исмолов Азизжон Абдували ўғли номига берилган К № 3440206 рақамли (862-руйхат рақамли) диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 29.05.2019 йилда № 728615 рақам билан рўйхатдан ўтган "ТНЕ LOKMACO" ОК (СТИР: 306465002) почта манзили: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Ц-1, Буюк Ипак йўли даҳаси, 31-уй, 26-хонадон. Таъсисчиларининг 04.12.2019 йилдаги № 1 баённомасига асосан  
**ТУГАТЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида +99899 777-77-66 телефон рақами орқали қабул қилинади.

**ДИККАТ ТАНЛОВ**  
"Худудий электр тармоқлари" АЖнинг "Тошкент вилоти худудий электр тармоқлари" АЖ "Давлат ва шартномавий хизматларни кўрсатиш лавозимлари" фуқароларни ишга қабул қилиш ҳамда қўйидаги талаблар қўйилади:  
Маълумоти — олий энергетика ёки техника маълумотига эга бўлган, ёши 22 дан 40 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилотида доимий рўйхатда турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

Ишга қабул қилиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. "Тошкент ХЭТК" АЖ ходимлар бўлимига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;
4. Меҳнат дафтарчаси. (меҳнат дафтарчаси бўлмаган тақдирда жамият томонидан юритилади);
5. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақ;
6. Янги манзилдан маълумотнома;
7. Ошириг иш ёки ўқиш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;
8. 3x4 шаклдаги 8 дна расм;
9. Диплом (нусхаси билан);
10. Харбий гувоҳнома

Ишга киришни хоҳловчи фуқаролар ўзбек ва рус тилларини билишлари лозим. Ишга кириш масаласида "Тошкент ХЭТК" АЖ "Ходимлар билан ишлаш бўлими"га мурожаат этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент вилоти, Урта Чирчиқ тумани, "Қумовул" ҚФЙ, Яшил водий кўчаси, 42-44 уй. (Мўлжал: Маданият саройи). Телефон: (78) 150-27-94.

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси Гистология ва тиббий биология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори  
**Ақром Юлдашев ЮЛДАШЕВИЧ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси Тери таносил, болалар тери касалликларига ва СПИД кафедраси профессори Юлдашев Музаффар Акрамовичнинг отаси  
**Ақром ЮЛДАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

**9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун**

## МИЛЛИЙ КУТУБХОНАДАГИ БЕБАҲО ЖАВОҲИРЛАР

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нанкии Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган маърифат масканидир. Қўлэмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати фондида йигирма саккиз мингдан ортиқ нодир китоб сақланади.**

XIII-XIX асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Туркистон заминида битилган қўлэзма ва тошбосмалар, XVII-XVIII асрларда Фарбий Европада чоп этилган китоблар қимматли маълумотлар манбаси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Фондда сақланаётган илк чоп этилган газета ва журналлар намуналари тадқиқотчилар томонидан қизиқиб ўрганиб келинмоқда.

Жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси, ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг асарлари ҳаётлик даврдан то XIX аср охиригача қўллаб ҳаттотлар томонидан кўчирилиб, қўпайтирилган. Шоирнинг ана шундай бир неча асарлари ва уларнинг нусхалари фондда сақланапти. Жумладан, "Маҳбуб-ул қулб" асарининг Қўқонда ҳижрий 1239/1824 йили котиб Мулла Холиқназар Уста Курбон Бешариқий томонидан кўчирилган нусхаси бор. Бухорода 1300/1882 йилда китобат қилинган "Ҳазойинул маоний" ("Маънолар ҳазинаси") девони, "Ҳамса"нинг турли йилларда Тошкентда тошбосма усулида чоп этилган нусхалари мавжуд.

Фарбий Европада босмаҳоналар пайдо бўла бошлагандан сўнг, қўллаб нодир асарлар матбаа йўли билан чоп этилди. Жумладан, Алишер Навоийнинг қадимги шоҳлиқлар тарихига оид "Тарихи мулуки аҷам" асари "Тарихи Фаноий" номида биринчи марта Венада 1785 йилда нашрдан чиққан. Ушбу асар ҳам фонд ҳазинасидан ўрин олган. Назарали Сайид томонидан тузилган "Навоий асарларидаги ўзбекча сўзларнинг форсча изоҳи" лугати ҳам кутубхона жавонлариде асраб келинмоқда. Қўлэзма-китобда Алишер Навоий шеърларида учрайдиган туркий сўзларнинг форс тилидаги таржимаси келтирилган. Лугат муқаддима, уч боб ва хотимадан иборат.

Кутубхона тасаруфидати фондда Алишер Навоий асарларининг 18 та қўлэзма ва тошбосма китоби ҳамда турли давр ва минтақаларда чоп этилган 50 дан ортиқ наشري мавжуд. Шунингдек, Навоий ижоди ва унинг фаолиятига бағишланган нодир асарлар ҳам жуда кўп. Масалан, француз тилидаги "Шарқий турк тили хрестоматияси"нинг биринчи қисмида Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" ("Икки тил муҳокамаси"), "Тарихи мулуки аҷам" ("Араб бўлганлар шоҳлар тарихи") асарларидан шарқий турк тилини ўрганиш мақсадида матнлар келтирилган. Рус шарқшунос олими Владимир Вельяминов-Зерновнинг "Чигатой-туркий луғат" қомусий тадқиқи Алишер Навоий асарларидан олинган сўз ва иборалар асосида тузилган. Лугатда ҳар бир сўзга шу тилда бир неча изоҳлар бериб борилган. 1697 йили Парижда шарқшунос Бартоломей Эрбелонинг француз тилида нашр этилган "Bibliothèque orientale" ("Шарқ кутубхонаси" ёки "Шарқ энциклопедияси") асарида Марказий Осиё худудида яшаб ижод этган улғу олим, шоир, давлат арбобларидан юзга яқини, шунингдек, Алишер Навоий ҳақида алоҳида ва батафсил маълумотлар келтирилган.

Миллий кутубхона фонди Алишер Навоий қаламига мансуб "Фаройиб ус-сиғар" асарининг XVI асрда кўчириб ёзилган, китобат санъати дурдонаси бўлган қўлэзма нусхасининг электрон шакли билан бўйди. У Буюк Британия кутубхонаси томонидан Ўзбекистон ҳуқуматига тақдим этилган.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ

## МУВАФФАҚИЯТ ВА МАҒЛУБИЯТ ОМИЛЛАРИ

**Миробод туманида жойлашган "Impulse" тадбирлар залида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси шаҳар худудий бошқармаси, "MFaktor" лойиҳаси ҳамкорлигида "Муваффақият ва мағлубият омиллари" мавзусида тадбир ташкил этилди.**

Тадбирнинг аҳамиятли жиҳати ёш тадбиркорлар ҳамда тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган аҳолининг кенг қатлам вакиллари учун "маҳорат дари" кўринишидаги учрашув ташкил этилганида бўлди. Бу каби тадбир Президентимиз томонидан ёшларни тадбиркорлик асосларига ўқитиш, янги замонавий бизнес билимларни ўзлаштиришга қўмаклашиш бўйича белгилан берилган вазифалар ижроси бўйича доимий тарзда ўтказилиши режалаштирилган.

Учрашувда спикер сифатида бугунги кунда муваффақиятли фаолият юритиб келаётган Smart group-ресторанлар тармоғи асосчиси Санжар Максудов ҳамда Халқаро Реклама ҳафталиги ҳамда SIYMO медиа агентлиги асосчиси Дийёр Мирзаахмедовлар иштирок этди.

Ўзаро очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда спикерлар иштирокчиларни қизиқтирган саволларига жавоблар беришди. Ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Бизнесда муваффақият ва мағлубият омилларига алоҳида тўхталиб ўтишди.

(Ўз мухбиримиз)

2018 йили Қозоғистонда Ўзбекистон йили, 2019 йилда эса Ўзбекистонда Қозоғистон йили тадбирлари ўтказилгани мамлакатларимиз ўртасида нафақат стратегик шериклик муносабатлари, балки дўстона ишонч кайфияти яхшиланиб бораётгани кўзгуси бўлди.

Ана шу самимий муносабатларимиз тимсоли сифатида Қозоғистонда "Қозоғистон ўзбекларининг халқ оғзаки ижоди" номи тўплам нашр этилди. Қозоғистон Республикаси ўзбекларининг "Дўстлик" ассоциацияси раиси Икром Хошимжонов ташаббуси билан таъйинланган мазкур тўплам муаллифи Абдирахим Пратов.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбеки тили, адабиёти ва фольклор институтининг докторанти Феруза Абдурахмонова мазкур тўплам икки қардош халқ ўртасидаги маънавий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш борасида фикрлари билан ўртоқлашди.

Мазкур тўплам тарихи тугаш ва тақдирини бир халқларнинг бой ижодий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш борасидаги эзгу қадамдир. Халқларимизнинг ижодиёти қадим ва бой тарихга эга. Бугунги кунда бу меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш учун ҳар иккала мамлакатда ҳам кенг имкониятлар яратилган.

Тарихан ҳар бир халқ ёки миллат ўзининг минг йиллик урф-одат, анъана, маросимлари билан бир-биридан фарқ қилиб туради. Дарҳақиқат, ўзини, ўзига эришган ҳар бир инсон аждодлари ким бўлгани билан қизиқади. Аждодларидан қолган моддий ва маънавий меросни асраб-авайлашга ҳаракат қилади, унинг риивожи учун ҳаракат бошлайди.

Юртимизда халқро миқёсда ўтказилган халқ ижодиётининг ноёб дурдоналарини тараннум этган фестиваллар ва уларда ўз чиқишлари билан иштирок этган қардош халқларнинг фаол иштироки келажакда халқ ижоди намуналарини асраб-авайлаб келажак авлодга етказишда муҳим роль ўйнайди. Ўзбек ва қозоқ халқи неча минг йиллар уруф-қабил сифатида ёнма-ён яшаб келган. Шунинг учун улар яшайдиган жойлардаги маросим фольклорига гоят бир хилликни кўриш мумкин.

Бу китоб орқали ҳар бир тадқиқотчи икки халқ оғзаки ижодининг энг сеvimли бўлган халқ лирикаси ва маросим қўшиқлари намуналарини қиссий таҳлил этиш, солиштириш, ўқшаб ва фарқли жиҳатларини аниқлаш каби тадқиқотларни амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари, тўплам қардош халқлар фольклорини ёнма-ён ўрганиш каби бошқа кўплаб тадқиқотларга муқаддима бўлиб хизмат қилса ажаб эмас.

Қувонарли томони шундаки, мазкур китоб орқали нафақат қардош қозоқ халқининг ижод дурдоналаридан баҳраманд бўлиш, балки у ерда истиқомат қилиб

Ўзбек фольклори билан қозоқ халқи фольклорини уйғунлашиб "қариндош" бўлиб кетишига ва алоҳида жиҳатларини ҳам кўздан қочирмасдан асраб-авайлаб келаятгани ўзбек ижодкорларининг бадиий маҳсули билан танишувимизга сабаб бўлади.

Жумладан, қозоғистонлик ўзбек ижодкорларининг шеърлари ва насрий асарларини Қозоғистон ва МДХнинг адабий журналларида турли тилларда ўқиб мумкинлиги ҳамда халқ оғзаки ижодида бўлган қизиқинчнинг қардош халқларда ҳам кучлилиги, ўрганилмаган кўплаб намуналар тадқиқот эгаларини кутаётгани ҳақида бизга хабар беради.

МУШТАРАК ҚЎШИҚЛАРНИНГ ЎЛМАС САДОСИ

Қозоғистон ўзбекларининг бир неча авлоди халқ оғзаки ижоди намуналари, жумладан, лапарларни ҳам яратган таҳсинга лойиқ. Китобни мутолаа қилар экансиз, Жанубий Қозоғистон ҳудудида истиқомат қилаётган лапарларнинг асарларини муҳасамлаштирган қозоғистонлик ўзбекларини халқ оғзаки ижоди намуналари фидойиси дейиш мумкин.

Қозоғистон Республикаси ўзбекларининг "Дўстлик" ассоциацияси раиси Икром Хошимжонов бу тўламни Ўзбекистонда Қозоғистон йилига Туркистон вилояти ўзбек ижодкорларининг тўхфаси сифатида баҳолаган.

Тўламга Қарноқ, Манкент, Турбат, Сайрам, Қорамурт қишлоқларидаги лапар ижрочиларидан ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди намуналари киритилган бўлиб, тўзувчилар лапарлар матнини ва уларнинг поэтик жиҳатини атрафлича ва тўлиқ ифодалаб беришга ҳаракат қилган.

Тўлам ижодкорлари оммавий ўзбек китобхонага тўшунари бўлиши учун Жанубий Қозоғистон ўзбеклари шеваларида ижро этилган лапарларни адабий тил меъёрларига ақинлаштиришга ҳаракат қилган, шунингдек, уларга зарур изоҳлар берган.

Халқ оғзаки ижодини юксак даражада ўрганиш, тадқиқ этишни жадал бошлаб берган атоқли олим Ходи Зариф бошчилигида Қозоғистон ўзбекларининг халқ оғзаки ижодини ўрганиш ишлари ҳам ўтган асрнинг олтинчи йилларида бошланган. Ходи Зариф, Му-

зайна Алавия, Мансур Афзалов, Зубайда Ҳусанова, Тўра Мирзаевлар ўзбек диалектологияси бўйича кенг қамровли ишларни олиб борган. Илмий гуруҳ аъзолари Туркистон шаҳри, Қарноқ, Иқон, Қорабулоқ, Манкент, Қорамурт қишлоқларида бўлиб, тадқиқот ишларини юритган. 2018 йилда фольклоршунос олимлар Уразали Тошматов, Маматкул Жўраев, тарих фанлари доктори Адхамжон Аширов, Иқболжон Мелиқўзиев Ўзбекистонда чоп этилажак халқ оғзаки ижоди намуналари кўп томлигаги киритиш мақсадида Чимкент шаҳри, Сайрам даҳаси, Туркистон вилоятининг Қарноқ, Қорабулоқ қишлоқларида бўлиб, нуруний отахон, онахонлардан Қозоғистон ўзбекларининг халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиб, видеотасвирга туширган.

Тўламда аллалар, лапарлар, ўланлар, ёр-ёрлардан ташқари яна бошқа кўплаб лирик қўшиқлар ҳам келтирилган диққатга сазовордир. Бу эса уларни тадқиқ этишда кенг олиб бориш мумкинлигини кўрсатади. Айниқса, кўна маданият ўчоқларидан бири бўлган Сайрам қишлоғидан ёзиб олинган намуналар янги тадқиқотларни қашқ этишга туртки бўлади. Бу заминда туркий халқларнинг ажойиб анъаналари, урф-одатлари муҳасамлашган. Бу ҳудудда яшаган туркий миллатига мансуб ўтроқ халқлар қадим-қадимдан ўз анъана, маросим, қўшиқ ва лапарлари, мақол ҳамда чистонлари билан бутун дунёга машҳур бўлган.

Гарчи китобга баъзи ўлан, ёр-ёр, келин салом ва алла қўшиқлари намуналари олима Музайяна Алавия тўплаган намуналардан киритилган бўлса-да, унга қўшимча қилинган янги намуналар, қўшиқ вариантлари аҳамиятга моликдир. Албатта, географик жойлашши, шевадаги ранг-баранглик, воқеийлик, жой, топоним номлар, маҳаллий аҳолига хос бўлган урф-одатлар сабаб қозоғистонлик ўзбекларнинг халқ оғзаки ижоди ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Қозоғистонлик ўзбеклар кўп асрлардан буён қардош қозоқ халқи билан аралашиб, қуда-анда бўлиб, тотувликда яшаб келмоқда ва бунинг натижасида у ердаги оғзаки ижоди янада бойиди. Қозоғистон ўзбекларининг халқ оғзаки адабиёти умумўзбек халқ оғзаки ижоди билан узвий, чамбарчас боғланган бўлиб, ҳамон ҳам ва ҳамнафасдир. Кўриниб турибдики, ушбу тўлам бир неча йиллик меҳнатнинг самарали натижасидир. Тўламдан ўрин олган халқ оғзаки ижоди намуналари эса, ҳақиқий санъат намуналари бўлиб, уларнинг ҳар бири фольклоршунос олимларнинг тадқиқот майдонига айланишига умид қиламиз.

Ўза Мухбири Озода БЕКМУРДОВА ёзиб олди

"101"

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИДА

Пойтахтимиз кундан-кун чирой очиб бормоқда. Қурилиш, обodonлаштириш ишларини шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида кузатишимиз мумкин.

Ҳашаматли иншоотлар, боғлар барпо этилиб, баъзиларида таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган бир пайтда биринчи рақамли хавфсизлик ҳисобланувчи ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига катта масъулият юкланади. Ушбу масканларда ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилиниши, содир бўлиши мумкин бўлган ёнги ёки бошқа фавқуллода ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан назоратни қучайтириш вазифалари юклатилган.

Нафақат қурилишларда балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимиз ҳамда давлатимиз ва шахсий мулкимизни ёнги оқати-дан асраган бўламиз.

Файзулла РАХМОНҚУЛОВ, Сергели тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими Ёнги назорати ва Профилактика инспектори, катта сержант

Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлган ёнгилар натижасида шаҳримиздаги қорхона, ташкилотлар, хусусий хонадонлар катта зарар қўраётгани сир эмас.

Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилишлари, аланга қиқши ахтимило бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнгининг ҳам, қуёш ҳолларининг ҳам олдини олган бўламиз!

Собир ГАФУРОВ, ЎзМТРК ФВБ Ёнги назорати ва Профилактика бўлими мутахассиси, сержант

Ёнги қурилатган бино ва иншоотларнинг қурилиш майдонлари, шунингдек, қурилиш монтаж ишларида ёнги хавфсизлигини таъминлаш чоралари "Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш техник қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлашда ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилишлари билан ўзларининг хавфсизлиги, оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўладилар.

Наргиза МИРЗАЕВА, Сергели тумани Фавқуллода вазиятлар бўлими Профилактика ва Назорат бўлими мутахассиси, оддий аскар

Ёнгиларни сабаби кўпдир. Назоратсиз қолдирилган дазмол, микротўқилки печ, телевизор, компьютер ва телефон мосламалари ҳамда қўлбола электр ишчи пеллар, кишиларнинг масъулиятсизлиги ва бепарволиги оқибатида келиб чиқадиган ёнги ва бошқа омилар катта мусибатларга олиб келади.

Ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари Сизларни иш жойингиз ва хонадонингизда ҳеч қачон ёнгилардан таллаб қўрмайсизингизни талаб қолади.

Шероз ВАЛИЕВ, "Маърифат маркази" ФВБ Ёнги назорати ва Профилактика бўлими мутахассиси

Бугунги ўта шиддаткор замон ҳар соҳада, айниқса ёнги хавфсизлиги борасида ҳар биримиздан ҳушёрлик ва оғоҳликни талаб этади. Ёнги хавфсизлигини таъминлашда бир оз бўлса ҳам хушёрликни унутмас катта талаботларга сабаб бўлиши мумкин.

Ёнги бир лаҳзада кўп микдордаги бойликнинг қулни кўкка суворида. Ундан ажралиб чиқадиган тугун ва бошқа захарли газлар атмосферани ифлослантириб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнги оқибатда инсонлар тан жароҳати олиши, ҳатто ҳаётдан қўчи юмиши мумкин.

Бундай салбий оқибатлар барчамизни ёнгига қарши курашишга, унинг олдини олишга ва албатта, хавфсизлик қондаларига риоя этишга ўндайди.

Шўхрат САМИГОВ, ЎзМТРК ФВБ Ёнги назорати ва Профилактика бўлими мутахассиси

Табиий газ кўп тарафлама фойдали бўлгани билан инсонларнинг оғина эътиборсизлиги натижасида катта ташвишлар келтиради.

Уйни иситиб турадиган, таомлар пишишига ёрдам берадиган олов ёнги талафотига айланиб кетмаслиги учун ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари доимо курашиб келмоқда. Соҳа ходимлари фуқаролар орасида тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Олов ўз жиловидан чиқиб кетганда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва бунинг олдини олиш учун нималарга риоя қилишлари тушунириб ўтмоқдалар. Шундай экан белгиланган қондаларга амал қилиш муҳимлигини унутманг.

Дилшод ҲУСАНОВ, Тошкент шаҳар ФВБ ЁН ва ПБ мутахассиси, оддий аскар

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ Тошкент шаҳрида 29 январь кунини ҳаво ўзгариш турди, ёнгиғарчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тумашди. Фарбдан шарққа йўналишини ўзгартирган шомал секундида 3-8 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси - 2-4 даража совуқ, кундузи - 3-5 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиюса кўра, 29 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси наст бўлади.

СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ Тошкент шаҳар сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари ҳамда Тошкент шаҳри бўйича Миллий гвардия бошқармаси ҳарбий хизматчилари ўртасида спортнинг сузиш тури бўйича мусобақа ташкил этилди.

Спорт ЎЗБЕКИСТОНДА СТОЛ ТЕННИСИ ОММАЛАШМОҚДА Жорий йилнинг 3-6 февраль кунлари Тошкент шаҳрида стол теннис бўйича талабалар ўртасида Универсиада спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтади.

Олий ва ўрта махсус таълим, Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар томонидан стол теннис бўйича ўтказилган Универсиада спорт мусобақаларида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 56 спортчи талаба голиблик учун куч синишди.

Мамлакатимизда ҳеч бир давлатда ўқашни бўлмаган, ёш спортчиларни катта мусобақаларга тайёрлашнинг уч босқичли - "Умид ниқоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт тизими ёшларимизнинг иродаси кучли, юксак маънавиятли, жисмонан соғлом авлод бўлиб етишишига хизмат қилмоқда. Улар орасидан Олимпия ва Осиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқмоқда.

Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган стол теннис бўйича ўтадиган Универсиадада спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш, бу спорт турини аҳоли ўртасида янада оммалаштириш ва теннис билан шуғулланиш учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида Ўза Мухбири Ўзбекистон стол теннис федерацияси раиси Саида МАХМУДОВА билан суҳбатлашди.

Сўнги йилларда стол теннис юртимиз ёшларининг энг сеvimли спорт турига айланди. Бу спорт турининг оммабоп бўлишида яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Барчага маълумки ҳар бир спорт тури оммавийлигини оширишда, энг аввало, мамлакатнинг барча ҳудудларида шу спорт турининг тўғрақилини олиш керак. Биз стол теннисини аҳоли ўртасида янада оммалаштиришни босқичма-босқич олиб боришимиз керак.

Дастлаб федерациямизнинг бўлимчаларини очдик ва тўғрақиларга истеъдодли мутахассисларни жалб қилдик. Улар стол теннисини янада оммалаштириш бўйича бир қатор илмий-амалий семинарлар ва таълимий спортчилар билан махорат сабоқларини ўтказди.

Иккинчи босқичда эса федерациямизнинг худудий бўлимчалари жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган спорт инвентарлари билан таъминланди. Бунинг самарасида вилоятлардан спорт усталари ва халқро спорт усталарига даъвогар янги истеъдод эгалари кашф этилди. Бугунги кунда теннис билан шуғулланганилар сони 20 миңдан ошди.

Учинчи босқичда, мамлакатимизда ёшлар ва хотин-қизларни спортга жалб этиш орқали уларнинг саломатликларини янада мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни саралаш, стол теннис билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида бир қатор оммавий тадбирлар ўтказдик.

Жумладан, ўтган йили Самарқанд шаҳрида

стол теннис бўйича аёл мураббийлар ва ҳакамлар учун "Спортда аёллар энг устувордир" шиори остида ўқув-методик семинар ўтказилди. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган 150 аёл мураббий қатнашди. Семинарда Елена Мокроусова ҳамда япониялик мутахассис Чиназю Мазаки олиб борди.

Пойтахтимизда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус бўйича "Беш ташаббус" шиори остида хотин-қизлар ўртасида стол теннис бўйича мусобақа ўтказилди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида "Маҳалламиз стол теннисчилари" спорт мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичи ташкиллаштирилди.

Ўзбекистон стол теннис федерацияси ўтган вақт мобайнида бир қатор дунё эътибор этган мутахассисларни юртимизга олиб келди. Бундан мақсад нима?

Ҳар бир спорт турида халқро таъриба муҳим аҳамият касб этади. Тўғри спортчиларни бошқа давлатларга юбориб, таърибасини оширсак ҳам бўлади. Бироқ бу кутилган натижа беримайди. Юртимизда чет эллик мутахассислар иштирокида ўтаётган халқро ўқув-машғулот йиғинлари ва семинарлар самараси ҳам сон, ҳам сифат даражаси томонидан юқори бўлади.

Ўтган йили стол теннис бўйича Япония терма жамоаси мураббийи, Олимпия ўйинлари голиби Сеико Исеки томонидан Тошкентда семинар ва махорат сабоқлари ўтказилди. Бу эса ёшларнинг мазкур спорт турига қизиқиниши янада оширди.

Шунингдек, федерациямиз томонидан мамлакатимизда илк мартаба Осиё стол теннис федерациясининг 2019 йилдаги "ITTF ASIA DEVELOPMENT PROGRAM" низоми бўйича Наманганда ўтказилган ҳафталикда 10 ёшдан катта бўлган спортчилар халқро ўқув-машғулот йиғинида иштирок этди.

Унда Ўзбекистон, Эрон ҳамда Марказий Осиё давлатларининг терма жамоалари ўзаро назарий ва амалий машғулотларни ўтказди. Мамлакатимизга хориқлик мутахассисларини олиб келишимиздан кўзланган асосий мақсад терма жамоамиз аъзолари ва жамоага номзод спортчилар махоратини оширишдир. Бу эса стол теннис бўйича янги номларни кашф этиш ва мазкур спорт турини янада оммалаштиришга олиб келади.

Бу йил барча Олимпия ўйинлари туркумидан жой олган спорт турлари учун ўта аҳамиятли йил бўлади. Гап шундаки, 2020 йил Токио шаҳрида XXXII ёзги Олимпия ўйинлари ўтказилади. Ўзбекистон стол теннис федерацияси мазкур мусобақада спортчиларимизнинг йўлланма олиши учун

қандай тайёргарлик кўрмоқда? Дарҳақиқат, жорий йилги мавсум спортчиларимиз учун махоратини намойиш этиш дари бўлади. Шу кунларда стол теннисчиларимиз 2020 йил Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмаларини кўлга киритиш, ушбу нуфузли мусобақа ҳамда бошқа турнирларда муносиб иштирок этиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Спортчиларимиз мазкур мусобақаларга тайёргарлик кўришларида Президентимизнинг 2017 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Стол теннис бўйича терма жамоамиз сафини кучли спортчилар билан тўлдириб мақсадда мамлакат миқёсида бир қатор мусобақалар ўтказилди. Уларда саралаб олинган спортчилар махоратини ошириб бориш мақсадида Беларусь, Молдова, Жанубий Корея, Латвия, Хитой ва Австрия каби стол теннис ривожланган давлатларда спортчиларимиз ўқув-машғулот йиғинларини ўтказмоқда.

Ҳозирда терма жамоамиз аъзоларидан Зоҳид Кенжаев, Шоҳрух Искандаров, Кутбидилло Тешабоев, Регина Ким, Розалина Ҳожиева, Мақсуд Рустамов, Сўғдиёна Мадалиева, Римма Гуфранова каби ёш спортчилар халқро мусобақаларда иштирок этиб, яхши натижаларга эришмоқда.

3-6 февраль кунлари пойтахтимизда стол теннис бўйича талабалар ўртасида Универсиадада спорт мусобақасининг республика финал босқичи бўлиб ўтади. Мусобақага тайёргарлик жараёни қандай кечмоқда?

Универсиадада спорт мусобақасини юқори савияда ўтказиш учун тайёрлик. Иштирокчилар мусобақа вақтида халқро стандартларга мос теннис столлари, ракетка ва коптук билан таъминланади. Мусобақалар адолатли ўтиши учун олий тоифали ҳакамларни саралаганмиз. Универсиададанг ҳар бир йўналишини спорт мутахассислари кузатиб боради.

Федерация ўз олдига қандай режалар қўйган? Бу йил асосий мақсадимиз - бу, Олимпия ўйинларига йўлланма кўлга киритишдир. Яна бир режамиз юртимизга хориқдан мураббий олиб келиб, терма жамоамиз захираси бўлган ёшларни 2022 йили Сенегалдаги ўсмирлар ўртасидаги Олимпия ўйинлари ва Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтадиган катталар ўртасидаги Осиё ўйинларига тайёрлаш. Бу борада аниқ ва тизимли ишлар бошлаб юборилган.

Жавоҳир ТОШУҲЖАЕВ суҳбатлашди

Тошкент оқшоми Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёнги «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ